

Жадвал.

Нам сувининг ғўза қатор ораларига ва очик майдонга экилган кузги буғдойнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири.

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар			
		1	2	3	4
1	Поянинг баландлиги, см	102,1	104,3	100,6	98,9
2	Поядаги бўғимлар сони	0,7	0,7	0,6	0,6
3	Бошоқ узунлиги, см	8,4	8,4	8,3	8,2
4	Битта бошоқдаги дон сони, дон	41,0	41,9	40,3	39,9
5	1000 дон дон оғирлиги	34,0	34,2	33,1	32,4
1 м ² майдондаги ўсимликнинг кўрсаткичлари					
	Поялар сони	501	506	504	498
	Туплар сони	358	359	357	349
	Поя оғирлиги	610,0	619,4	611,1	599,2
	Бошоқ оғирлиги	60,1	617	603,3	598,6
	Ўртача буғдой донининг ҳосилдорлиги	57,1	59,2	57,8	54,9

Кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиш билан бирга маҳсулдорлик кўрсаткичлари аниқланди. Бунинг учун ҳосилни йиғиштириш олдидан 2019 йил 5 июндан йилда ҳар бир вариантнинг тўрт жойидан 0,25 м² майдондаги буғдой юлиб олиниб, умумий ва маҳсулдор тупланганлиги даражаси, поянинг баландлиги, бошоғининг узунлиги, битта бошоқда ҳосил бўлган дон миқдори ва 1000 дон доннинг вазни аниқланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, буғдой ҳосилини йиғиштириш олдидан 1 м² майдондаги маҳсулдор поялар сони очик анғиз+ҳайдов уруғ экилган (назорат) фонда (1-вариант) 501 дон, очик анғизга нам суви ва ҳайдаб экилган фонда (2-вариант) 506 донани ташкил этди.

Ўза қатор орасига нам суви ва қатор ораси 18-20 см юмшатилиб экилган фонда (3 вариант) 504 донани, ғўза қатор ораси юмшатилиб уруғ экилган фонда (4-вариант) 496 донани ташкил этди.

Буғдой поясининг баландлиги фон ва вариантларга мос равишда суратда ва бошоқнинг узунлиги маҳражда $\frac{102,1}{8,4}, \frac{104,3}{8,4}, \frac{100,6}{8,3}, \frac{98,6}{8,2}$ бўлди.

Буғдой поясининг баландлиги суратда ва бошоқ узунлиги маҳражда фон ва вариантларга мос равишда $\frac{102,1}{8,4}, \frac{104,3}{8,4}, \frac{100,6}{8,3}, \frac{98,6}{8,2}$ см бўлди.

Битта бошоқдаги ҳосил бўлган дон сони суратда ва 1000 дон дон оғирлиги маҳражда фон ва вариантларга мос равишда $\frac{41,0}{34,0}, \frac{41,9}{34,2}, \frac{40,3}{33,1}, \frac{39,9}{32,4}$ дан иборат бўлди.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилган ҳолда 1 м² майдондаги ўсимликлар сони, поя ва бошоқ оғирлиги - буғдой вазнининг ортиши очик анғизда ҳам, ғўза қатор ораларида ҳам нам суви бериб (2-3 вариантлар) ҳайдаб, юмшатиб экилган фонда кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, буғдой анғизига нам суви бериб ҳайдаб уруғ экилганда буғдой ниҳоллари бақувват бўлиши учун қулай тупроқ шароити таъминланди. Шунингдек буғдой уруғи анғизга ва ғўза қатор ораларига экилганда нам суви дон ҳосилига ҳам сезиларли даражада таъсир қилиши аниқланди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, очик анғизни нам суви бериб ҳайдаб экилганда 59,2 ц/га, нам суви берилмаган вариантга нисбатан 2,2 ц/га кўп, ғўза қатор ораларини нам суви бериб 18-20 см юмшатиб экилганда эса гектаридан 57,8 ц/га ёки нам суви берилмаганга нисбатан 2,9 ц/га кўшимча ҳосил етиштириш мумкинлиги аниқланди.

Фермерларга очик анғиз ва ғўза қатор оралари куриб қолган бўлса, албатта нам суви бериб, ерни ҳайдаб, кейин буғдой уруғини экишни тавсия этамиз.

О.О.ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Н.К.САЙДАЛИЕВА,

ПСУЕТИТИ 1-босқич таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Болтабоева З.Ю. "Қарши чўлининг тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдой анғизига мош етиштириш". ЎзПТИ тўплами, Тошкент-2006. 408-бет
2. Абдуллаев С., Турсунов Л., Курвантеев Р., "Ўзбекистонда суғориладиган тупроқлар унумдорлигини оширишда унинг физик ва структура ҳолатини яхшилашга оид тавсиялар". Тошкент-2004. 33-бет
3. Горелов Е.П., Ёрматова Д. "Соя на орошаемых землях". Хлопководство. Ташкент, 1983 №1 с-20
4. Доспехов Б.А., "Методика полевого опыта" М. Агропромиздат 1985 с 250-255

УЎТ: 633.11-631.52

ҒАЛАЧИЛИК СИРАРИ

БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ БИОТИК ОМИЛАРГА БАРДОШЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Аннотация: Занг касалликларга чидамли навлар яратиш буғдой селекцияси дастурларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса сўнги йилларда кузатилаётган занг касалликларининг эпифитотиялари Республикаимизнинг ғалла ҳосилига жиддий зарар етказмоқда.

Аннотация: Создание новых сортов устойчивых к болезням ржавчины является одной из основных задач программы селекции пшеницы. Особенно наблюдаемые эпидемии болезни ржавчины в последние годы наносят большой урон урожаю пшеницы Республики.

Калит сузлар: юмшоқ буғдой, касаллик, зараркунанда, ҳашорат, селекция, танлаш, нав, намуна, ҳосилдорлик.

Сўнги йилларда дунёнинг кўпчилиги минтақаларида иқлимнинг глобал исийиш натижасида об-ҳаво шароитлари-

нинг кескин ўзгариши қишлоқ хўжалигида маҳсулот етишти-ришнинг камайишига олиб келмоқда.

Суғориладиган ерларда сариқ зангнинг эпифитотия хавфи янада кучли бўлиб, лалмига нисбатан 10-40% юқоридир. (Кузнецова Р.А. 1956, Хохлачева В.Е., Хасанов Б.Х., 2006) Бунинг асосий сабаби суғориладиган далаларда лалмига караганда поялар орасидаги харорат 1-2,5°C пастлиги ва нисбий намликнинг 3-16% юқорилиги билан изоҳланади.

Касаллик кучли тарқалган йиллари ва ҳар йили учрайдиган жойларда бошоқли дон экинларда қимматли иммунологик бошланғич манбаларни яратиш, битта ёки бир нечта касалликларга чидамли бўлиши мумкин. (Головоченко А.П. 2001, Разумовский А.Г, Плеханова Л.В. 2005, Харина А. В. 2008).

Селекция ишлари мунтазам ва фаол олиб бориладиган мамлакатларда чидамли навларни умри 3-7 йиллар мобайнида сақланади. Занг касаллигининг тарқалиши ва ривожланишига алмашлаб экиш ва ўтмишдош экинлар таъсир қилмайди. Умуман яхши бугдой турли хил сабабларга кўра заифлашган ва ўсиши секинроқ бўлган ўсимликларга нисбатан занг касалликлари билан кучлироқ касалланади.

Қишлоқ хўжалигида ҳар қандай касалликка қарши курашнинг энг самарали, арзон ва атроф-муҳитга хавфсиз бўлган экологик усули бу чидамли навни экишдир. Чунки кейинги йилларларда янги занг касалликларини рассаларни кўпайиши ва бу касалликлар тоғли зоналарга яқин ғалла майдонларга жойлашиб кейинчалик катта майдонларга таъсир кўрсатиши кузатилмоқда.

Тадқиқот объекти ва услублари: Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоят филиал ва тажриба станцияларида юмшоқ ва қаттиқ бугдойнинг юқори ҳосилли, эртапишар, қурғоқчиликка шунингдек занг касалликларига чидамли, хориждан келтирилган навларини танлаш, дурагайлаш йўли билан нав яратиш борасида селекция ишлари олиб борилмоқда. Тажибалар учун материал дон ва дуккакли экинлари илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали селекционерлари томонидан янги яратилаётган ва бугунги кунда Давлат нав синовида синалаётган ёки районлашган 10 та ўзгармас констант ҳолатига келган тизмалардан танлаб олинди.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг занг касалликларига сунъий яратиладиган инфекция фонларида 10 та нав (тўрт қайтариқда) уч метр квадратли майдончаларга экилиб ўрганилди. Занг касаллигини тарқатувчи патоген ўсимликни физиологик

ҳолатига таъсирини ўрганиш учун эса 10 та нав намунаси 1м² майдончаларга экилди.

Юмшоқ бугдойнинг биотикомилларга таъсирчанлиги.

№	Нав ва намуналар номи	Бошоқлаш	Гуллаш	Сариқзанг.	Пиявица	Шири	Уншудринг
1	KR 15 PYT13-521	30.04.2018	04.05.2018	MS	10	1	35%
2	KR 15 PYT13-970	30.04.2018	04.05.2018	0	10	1	40%
3	KR 15-FAWON-1RR-52	01.05.2018	07.05.2018	MS	20	1	10%
4	KR 12-18	30.04.2018	04.05.2018	0	20	4	0
5	KR-15 9019	05.05.2018	10.05.2018	0	10	2	10%
6	KR-15 9808	03.05.2018	08.05.2018	0	10	2	10%
7	1 KR 17-SAL	02.05.2018	07.05.2018	MR	20	1	10%
8	Кеш-2016	03.05.2018	08.05.2018	0	10	2	10%
9	Шахрисабз-1	03.05.2018	08.05.2018	0	20	2	0
10	Шукрона	05.05.2018	10.05.2018	0	20	1	10%

Лаборатория шароитида нав ва линияларни занг касалликларига чидамлилигини сунъий яратилган инфекция фонларида ўрганилганда қуйидаги натижалар кузатилди. KR 15 PYT13-970, KR15-FAWON-1RR-52 линиялари лаборатория шароитида сариқ занг касалигига ўртача (MS) берилувчанлиги аниқланди. Ушбу линиялар замбуруғли касалликларга чидамсиз бўлиб уншудринг касалиги билан зарарланиши сунъий равишда ўрганилганда касалланиш даражаси лаборатория шароитида ўртача 40-70 фоиз касалланганлиги кузатилди. Тажибадаги қолган нав ва линиялар сариқ занг ва замбуруғли касалликларга лаборатория шароитида сунъий зарарлантирилганда чидамли ва ўртача чидамлилигини номён этди. Нав ва линиялар лаборатория шароитида энг эрта бошоқлаш даври 26-30 апрелда кузатилиб, энг кеч бошоқлаш даври 5-11 май кунлари кузатилган. Зараркунанда ҳашаратлар билан зарарланиши ўрганилганда тажибадаги барча нав ва линиялар шилиқ қурт ва шири билан зарарланиши (ўртача 15-25 фоизга зарарланиши) ўрганилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрганилган нав ва тизмалар занг касалликларига ва зараркунанда ҳашаротларга “Шукрона”, “Кеш-2016”, “KR 12-18”, “KR-15 9019”, “KR-15 9808” ва “KR 17-SAL” нав ва тизмалар чидамли деб топилди ва селекциянинг кейинги босқичларига тавсия қилинди.

Диёр ЖҲРАЕВ,

қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хасанов Б.А “Ржавчинные болезни пшеницы в Узбекистане и борьба с ними” Ташкент. 2007. 7-8 стр.
2. Тўракулов. Х.С, Бабаев. С. К, ваГулмуродов Р. А, Ўзбекистонда Занг касалликлари эпидималогияси. 2015) 76- б.
3. Головоченко А.П. Особенности адаптивной селекции яровой мягкой пшеницы в лесостепной зоне Среднего Поволжья -Кинель, 2001. 380 с.